

## **Мусулмон боланинг китобчаси**

### **Эътикод, тарих, ибрат, одоб**

(Мактаб ёшидаги болалар учун илк Ислом дарслари)

### **Хассон ибн Собит**

**1424 х. - 2003 м.**

### **Ота-оналар ва устозларга**

Фарзандимиз ёшлигидан бошлаб эътикодли, билимли, одобли, ва гайрат-шижоатли бўлиб усиши учун унга кандай тарбия бермогимиз керак? Болага гўдаклик чогида нималарни ўргатиш лозим? Бунинг учун кайси адабиётларга мурожат килсак бўлади? Табиийки, бу саволларнинг жавоби жуда хам ўнгай эмас. Болажонларнинг исломий кутубхонаси хали анча кашшок. Кўлингиздаги китобча шу муаммони хал килиш йўлидаги кичик бир кадамдир. Китобчада

катгалар учун ҳам муҳим саналадиган маълумотлар ёш боланинг онгига мос равишда, содда усул билан болалар тилида хикоя қилинади.

Боламизнинг тарбияси мукаммал бўлишига эришиш мақсадида унга ёшлигидан бошлаб ҳар соҳадан шингил-шингил маълумотлар бериб боришимиз жуда фойдалидир. Болани ҳар бир нарса ва воқеадан ибрат олишга, тугри хулоса чиқаришга ўргатишимиз зарур. Бу ўринда тарихий мисолларга мурожаат қилишнинг аҳамияти катта. Ушбу китобчанинг услуби мана шу йўналишдадир. Унда оламнинг яралиши ҳақида қисқача тушунча берилади. Аллоҳ, дин, пайгамбарлар ва ҳоказо бошқа мавзулар навбат билан бирма-бир зикр қилинади. Дарс давомида керакли хулосалар чиқариб борилади. Булар боланинг ёшлик чоғида билиб олиши зарур бўлган бирламчи маълумотлардир. Зеро, бу билимлар боланинг руҳиятига таъсир қилади, уни покиза ҳаёт кечиришга ўргатади.

Кўпинча боланинг одобсиз ёки безори бўлиб қолиши, ота-онасининг гапига қулоқ солмай ўсиши, ўсмир бўла туриб ҳам ибодатга астойдил киришиб

кетолмаслиги унга Аллох, фаришталар, дин, пайгамбарлар, Киёмат, жаннат, дўзах ва ҳисоб-китоб ҳақида унинг ёшига мос равишда тушунтирилмаганидан ҳам келиб чиқади. Агар бола билан бу мавзуларда чиройли ва мунтазам суҳбатлар ўтказиб турилса, унинг хулки одобида, илм ва ибодатга кизикишида албатта ижобий ўзгаришлар пайдо бўлади, иншоаллох.

Ота-оналар ва устозлар ҳар куни ёки кун ора бу китобдан биттадан дарсни боланинг ўзига овозини чиқартириб ўқитадилар. Зарур бўлса, ўзлари ўқиб берадилар. Кейин ундаги мавзунини эҳтиёжга қараб кенгайтириб тушунтирадилар. Ундан сўнг боладан тушунган нарсасини гапириб беришни сўрайдилар. Ҳар бир дарс сўнгида берилган қоидага ўқувчининг қобилиятига қараб, ёд олишни тавсия этадилар. Ўқилган дарсни мустақил ўқиб тайёрлашни топширадилар. Эртаси куни боладан кечаги дарс ва унинг сўнгидаги қоидага сўрайдилар.

Рисолада иймон ва Ислом руқнлари баён қилинмаган. Улар алоҳида китобларнинг мавзусидир.

Ушбу китобчанинг вазифаси - болага Ислом дини хакида бирламчи тушунча беришдан иборат.

Рисолани тайёрлашда мўътамад манбалардан, жумладан, Имом Исбахонийнинг «Сифатул-жанна» ва Имом Байхакийнинг «Исботу азобил-кабр» китобларидан фойдаланилди.

## 1 дарс

### БУ ДУНЁНИ КИМ ЯРАТГАН?..

Ассалому алайкум, хурматли болалар! Биз сизлар билан бу китобчада хар бир мусулмон бола ва мусулмон кизча билиши керак бўлган Ислом дарсларини ўрганамиз. Кадимда бўлган воқеалар хакида суҳбатлар киламиз. Улардан ибрат оламиз. Дарсларимиз давомида эътикод ва одобимиз чиройли бўлиб боради.

Болалар, келинглар, биз аввало бу дунёни ким яратган, деган саволга жавоб топайлик. Шунда одамлар кандай пайдо бўлганини хам билиб оламиз. Бунинг учун сизлар атроф-табиатга бир каранглар-

чи. Нималарни кўраяпсизлар? Дарахтлар, ўсимликлар, ер, осмон, куёш ва хоказо. Тўғрими? Кани, энди айтинглар-чи, мана шу нарсаларни ким яратган?...

– **АЛЛОХ ТАОЛО!**

– Тўппа-тўғри! Буларнинг хаммасини Аллох Таоло яратган. Сиз билан бизни ҳам У пайдо килган. Аммо Аллох бу дунёни, одамларни қандай қилиб яратган, биласизларми? Мана, эшитинглар бўлмаса.

Илгари осмон ҳам, ер ҳам, одамлар ҳам бўлмаган эди. Дарахтлар, ўсимликлар, хайвонлар ҳам йўқ эди. Ёлғиз Аллохнинг Ўзи бор эди, холос. Аллох бу дунёни яратишни хохлади. Шунда У энг аввал Аршни, кейин Каламни яратди. Нурдан фаришталарни пайдо килди. Кейин сувни, сўнг ер билан осмонни яратди. Ундан кейин ерда денгиз-океанларни, тоғлар ва дарёларни, ҳамда ўсимликлар ва хайвонларни пайдо килди. Оловдан Иблисни яратди. (Иблис-Шайтон). Аллох ҳамма нарсани яратиб бўлгандан сўнг **ОДАМ** отамизни яратди. У Одам отамизни лойдан яратиб жон киргизди. Кейин Хавво онамизни пайдо килди.

Аллох Одам Ато ва Момо Хаввони жаннатга киритиб кўйди. Жаннат жуда хам катта ва чиройли жой эди. Одам Ато билан Момо Хавво жаннатда сайр-томоша килиб, рохат-фарогатда яшай бошладилар. Аллох уларга: **«Бу ерда хохлаган ерингиздаги неъматлардан бемалол еяверинглар»**, - *деди*. Кейин жаннатдаги битта дарахтни кўрсатиб: **«Мана бу дарахтга якинлашманглар!»** – *деди*. У дарахтнинг мевасини ейишдан кайтарди. Аммо бир куни Иблис Одам Ато ва Момо Хаввони алдаб, ўша дарахтнинг мевасидан едириб кўйди. Чунки Шайтон уларга душман эди. Одам отамиз ва Хавво онамиз Шайтоннинг сўзига кириб, Аллохга гунохкор бўлиб колдилар. Шундан кейин Аллох уларни жаннатдан чиқариб юборди. Фаришталар Одам Ато ва Момо Хаввони Аллохнинг буйруги билан ерга олиб келдилар. Одам ва Хавво ўзларининг килган гунохларига йиглаб тавба килишди. Аллох уларга меҳрибон эди. Уларнинг гунохларини кечирди. Тавбаларини қабул килди.

Аллох ерга Одам отамиз ва Хавво онамиз билан бирга Шайтонни хам юборди. Аммо энди Одам Ато

ва Момо Хавво Шайтоннинг сўзига кирмасдан Аллохнинг айтганини килиб хаёт кечира бошлашди. Аллохга чиройли ибодатлар килиб юришди. Аллох у икковларига кўпгина ўгил-кизлар берди. Одам Атонинг исмлари Одам бўлгани учун у кишининг болаларини, «Одам болалари», деб аталди. Кейин эса болаларни оталарининг номи билан «одамлар», деб атала бошланди. Шундай килиб бизнинг ҳам номимиз «одам» бўлди.

**1 – коида. Бу дунёни ва унинг ичидаги хамма нарсани Аллох Таоло яратган. Бизни хам У яратган. Бу дунёдаги хамма нарса Уники.**

*Саволлар:*

1 *Бу дунёни ким яратган? Кандай килиб?*

2 *Одамлар кандай килиб ерга келиб колдилар?*

**АЛЛОХ ТАОЛО КИМ?**

**АЛЛОХ ТАОЛО** бизнинг **Раббимиздир. РАББ** яратувчи, тарбия килувчи, эга, дегани. Аллох бутун оламни яратган. У хамма нарсани парвариш килади, бокади, ўстиради. У оламнинг эгасидир. Аллохни ҳеч ким яратмаган. Унинг Ўзи аввалдан бор эди. Биз Аллохни Унинг исмлари, сифатлари орқали таниймиз ва Унга иймон келтирамиз. Унинг 99 та исм ва сифати бор.

**Аллох яккадир.** Унинг ҳеч бир шериги, ёрдамчиси йўқ. У ёрдамчига ҳам, бошқа нарсаларга ҳам мухтож эмас. У ҳеч кимдан тугилмаган. Ўзи ҳам ҳеч кимни тугмаган. Унинг ота-онаси, аёли, ўгли, кизи йўқ. Унга тенг келадиган ҳеч ким йўқ. У ҳеч нарсага ўхшамайди.

**Аллох - доимо тирик.** У ҳеч қачон ўлмайди ва ухламайди. Ундан бошқа хамма нарса ўлади. Аллох нимани хоҳласа тирилтиради, нимани хоҳласа ўлдиради. Одамлар, жинлар, хайвонлар, кушлар, баликлар, ҳашаротлар Аллохнинг махлуқотларидир. Махлуқот яратилган нарсалар, дегани. Махлуқотлар



бор бўлиш учун Аллохга мухтож бўладилар. Уларга Аллох жисм, жон, хаво, сув ва овкат беради.

**Аллох - одамларга меҳрибон.** У ердаги барча нарсани одамзодга хизмат қилсин, деб яратган. У шамол ва булутларни юборади. Ёмгир-корларни ёғдиради. Океан-денгизларни сув билан тўлгизади. Дарёларни оқизади. Дарахтларни ўстиради. Одамларга нон бўлсин, деб бугдойларни етиштиради. Яна У меваларни пиширади. Гулларни очилтиради. Бизга овкат бўлиши учун халол хайвонларни яратади. Ердан фойдали конларни чиқариб беради. Қасалларга шифо беради. Биз Уни яхши кўрамиз.

**Аллох ҳаммадан қучли.** Ер, осмон ва уларнинг ўртасидаги ҳамма нарсалар Аллохга бўйсунди. Қуёш, ой ва юлдузлар Аллох кўрсатган йўлдан четга чиқмайдилар. Бир-бирлари билан тўқнашиб кетмайдилар. Баъзан тепамизда момақалдирок гумбурлайди. Чакмок чақади. Осмондан олов келиб ерга урилади. Дарахтлар, уйлар ёниб кетади. Баъзан қаттиқ ер қимирлайди. Иморатлар йиқилади. Одамлар уйларнинг тагида қолиб кетадилар. Баъзи ерларга сел келиб, ҳамма нарсани сув оқизиб кетади.

Буларнинг хаммасини ким килади?.. Аллох! Биз Аллохдан кўркамиз.

**Аллох хамма нарсани эшитувчи, кўрувчи, билувчидир.** Аллох ернинг устида, остида ва осмонда бўлаётган ишларнинг хаммасини кўриб, билиб туради. Шивирлаб гаплашилган гапларни хам эштади. Коп-коронгида турган нарсаларни хам, ҳеч кимнинг кўзига кўринмайдиган зарраларни хам кўради. У одамларнинг дилларидан ўтган фикрларини хам билиб туради.

**Аллохдан бошқа биронта худо йўк.** Худо, деб унга ибодат қилинадиган Зотни айтилади. **Ибодат,** деганда намоз ўқиш, рўза тутиш каби ишлар тушунилади. Одамлар Аллохни танишлари, Ундан кўркишлари, Унга ибодат қилишлари керак. Гуноҳ ишлардан тўхташлари шарт. Шунда Аллох уларни балолардан асрайди. Агар одамлар Аллохнинг айтганини қилмасалар, У офат юборади. Ёмонларни ҳалок қилади. Баъзан ёмонларга кўшиб яхшиларга хам бало юборади. Шунинг учун яхши одамлар ўзларидан бошқаларни хам Аллохнинг йўлига чакирадилар, ёмон йўлдан қайтардилар.

**2 – коида. Аллох - хаммамизнинг Раббимиз.**  
**Дунёдаги хамма ишларни У бошқаради. Аллох**  
**якаю ягонадир. Ундан бошқа ҳеч бир худо йўқ.**  
**Биз Аллохга ишонамиз ва ибодат қиламиз.**

*Саволлар:*

- 1 *Аллох қандай зот?*
- 2 *Аллохни нима учун танишимиз керак?*

### **3 дарс**

#### **ДИН НИМА ДЕГАНИ?**

Болалар, энди бу дарсимизда **«Дин нима?»** деган саволга жавоб берамиз.

Одам Ато ва Момо Хавво жаннатдан чиқарилиб, ерда ҳаёт кечира бошладилар. Аммо улар ҳали кўп нарсаларни билмас эдилар. Ер юзида нима ишларни қилиш фойдали? Нималарни қилиш зарарли? Қайси ишни қилса савобу қайси ишни қилса гуноҳ бўлади?

Буни уларга кимдир ўргатиши керак эди. Шунинг учун Аллох Таоло ерга **ЖАБРОИЛ**, деган фариштани юборди. Аллох ушбу фариштага фойдали насихатларни бериб, буларни Одам Атога ўргатишни буюрди. Жаброил алайхиссалом етти кават осмоннинг устидан учи-и-б, ерга тушиб келдилар. Аллох берган илм ва насихатларни Одам Атога ўргатдилар ва шуларга амал килишни буюрдилар. Одам отамиз Аллохдан олган илмларга Момо Хавво билан бирга амал килдилар. Бу илмларни ўз болаларига ҳам ўргатдилар.

Аллох осмондан юборган хабар, илм, буйрук ва насихатларни **ДИН**, деб аталади. Динга кандай амал килишни пайгамбар кўрсатиб беради. Аккли кишилар албатта динга кирадилар. Аллохга иймон келтириб, Унга ибодат киладилар. **ИБОДАТ** Аллохга бандалик, куллик килиш, дегани. Намоз ўқиш, рўза тутиш, дуо килиш, Аллох учун курбонлик килиш, Куръон тиловат килиш, илм ўқиш, одамларни Аллохнинг йўлига чакириш ибодатдир. Инсон ибодат килганда ўзини йўқдан бор килган Аллохга ташаккур билдирган, Унинг мукофотларидан умид

килган бўлади. Банда ибодат қилаётган вақтда Аллохни яхши кўрган ҳолда Унинг дунё ва Охиратдаги азобидан кўркиб туриши керак.

Динга кирган одамни **МЎМИН, МУСУЛМОН**, деб айтилади. Мўмин-мусулмонлар Аллохга ибодат қилиш билан бирга ҳамма одамга яхшилик қиладилар. Кийналганларга ёрдам берадилар. Мўминларнинг уйларида нур, барака бўлади. Аллох уларни бало-офатлардан саклайди. Киёматда эса жаннатга киритади.

Ёмон одамлар динга киришга унамайдилар. Аллохнинг динига кирмаган одамни **КОФИР**, деб айтилади. Баъзи одамлар Аллохдан бошқа нарсаларга ибодат қиладилар. Аллохдан бошқага ибодат қилишни **ШИРК**, дейилади. Ширк ишини қиладиган одамни **МУШРИК**, деб айтилади. Мушриклар ўз кўллари билан ясаб олган ёлгон худодарга ибодат қиладилар. Улар шайтоннинг йўлига кириб кетадилар. Кофир ва мушриклар дунёда гуноҳ ишларни қиладилар. Харом нарсаларни ейдилар. Бундай одамлар ўзларининг ёмонликлари сабабли хар хил касалликларга дучор бўладилар. Уруш, ер

кимирлаш, сув тошкени каби балоларга учрайдилар.  
Охиратда эса дўзах оловига улоктириладилар.

Баъзи одамлар Аллох юбормаган ва пайгамбар айтмаган ишларни динга киритиб, мана шу хам диндан, деб айтадилар. Диндан бўлмаган бундай ишларни **БИДЪАТ**, дейилади. Бидъатни Аллох хам, пайгамбар хам, мусулмонлар хам ёмон кўришади. Бидъат ишни Аллох кабул килмайди.

**3 – коида. Аллох Таоло осмондан юборган насихат ва буйруklarни дин, деб аталади. Одамлар ўйлаб топган ёлгон динни эса ширк, дейилади. Дин одамлар учун жуда хам фойдалидир. Ширк одамларга факат зарар келтиради.**

*Саволлар:*

*1 Дин нима дегани? Ибодат, деб нимага айтилади? Аллох нима учун динни юборди?*

*2 Мўмин ва мусулмон, деб кимга айтилади? Кофир, муширик, ширк, бидъат*

## 4 дарс

### ПАЙГАМБАР КИМ?

Биз яхши биламизки, Аллох одамларга тўғри йўлни кўрсатиш учун уларга дин юборган. Бунинг учун Аллох одамларнинг ичларидан энг ақлли ва энг яхши кишини танлаб олган. Кейин унинг олдига Жаброил фариштани юборган. Жаброил алайхиссалом у одамга Аллох юборган хабарни олиб келган. Жаброил фаришта Аллохдан унга хабар олиб келадиган инсонни **ПАЙГАМБАР**, деб аталади. Аллох пайгамбарга осмондан юборадиган хабарни **ВАХЙ**, деб аталади.

Аллох баъзи пайгамбарга факат ўзи амал килиши учун вахй, дин юборган. Бундай пайгамбарни **НАБИЙ**, дейилади. Аллох баъзи пайгамбарга ўзидан бошка одамларни ҳам динга давъат килишни буюрган. Бундай пайгамбарни **РАСУЛ**, дейилади. Расул элчи дегани.

Расуллар ўз замонларидаги инсонларга: «**Мен сизларга Аллох томонидан элчи килиб юборилдим**», - деганлар. Сўнг уларни Аллохга иймон келтиришга ва Унга ибодат килишга чакирганлар. Аммо кўп одамлар бу гапга ишонишмаган. Шунда Аллох Таоло пайгамбарларга турли **мўъжизалар** берган. Мўъжиза одамларнинг кўлидан келмайдиган кийин ишларни килиш, дегани. Пайгамбарлар мўъжизалар кўрсатиб, ўзларининг Аллох томонидан юборилган хакикий элчилар эканликларини исботлашган. Шундан кейин кўпгина одамлар уларга ишонишган ва иймон келтиришган. Ўликларни тирилтириш, осмондан ноз-неъматлар тушириш, дарахтлар ва хайвонлар билан гаплашиш каби ишларни мўъжиза, деб аталади.

Одам Ато энг яхши инсон бўлганлари учун Аллох у кишини ердаги энг биринчи набий-пайгамбар килди. У киши Аллох юборган динга Момо Хавво билан бирга амал килдилар. Динни болаларига ўргатдилар.

Одам отамиз вафот этганларидан кейин у кишининг фарзандлари жуда кўпайиб кетишди. Улар



ер юзининг хар хил тарафларига таркаб кетиб хаёт кечира бошладилар. Одамлар турли-туман халкларга бўлиниб кетдилар. Аллох хар бир кавм ва халкнинг ичидан унинг ўзига алохида пайгамбарлар чикарди. Кадимда Нух, Худ, Солих, Иброхим, Лут, Мусо, Исо каби пайгамбарлар одамларни динга даъват килиб ўтишди. Айтишларича, кадимда ўтган набий ва расулларнинг сонлари бир юз йигирма тўрт минг бўлган. Аллох у пайгамбарларга ҳам Жаброил фаришта оркали вахй юбориб, ваъз-насихатлар килди. Динларини янгилаб турди. Баъзи пайгамбарларга осмондан насихатлар ёзилган саҳифалар туширди. Баъзиларига мукаддас китоблар юборди. Одамлар расулларга бўйсуниб яшаган пайтларида жуда хам яхши ва ширин хаёт кечирдилар. Пайгамбарга итоат килмаганларни Аллох офатлар юбориб халок килди.

Пайгамбарлар дунёдаги энг одобли ва энг рахмдил кишилардир. Улар одамларга факат яхшилик килишади. Хеч кимдан пул, мол-дунё сўрамасдан Аллохнинг динини ўргатишади. Шунинг учун пайгамбарлар Аллох энг яхши кўрадиган

инсонлар бўладилар. Кимки пайгамбарнинг айтганини килса, Аллох ўша одамни ҳам яхши кўради.

**4 – коида. Пайгамбар бу дунёдаги энг рахмдил, энг илмли ва энг аклли инсондир. Одамларнинг ичидан факат пайгамбарга Аллохдан вахй келади. Хамма одамлар: олимлар, подшоҳлар ва барча халклар пайгамбарга бўйсуниллари керак.**

*Саволлар:*

*1 Пайгамбар, набий, расул хакида гапириб беринг.*

*2 Нима учун одамлар пайгамбарга бўйсуниллари керак?*

**5 дарс**

**ШАЙТОН НИМА УЧУН ЯРАТИЛГАН?**

Болалар, биз биринчи дарсда ўқидикки, Аллох одамларни яратмасдан олдин фаришталар билан бирга **ИБЛИС**ни ҳам яратган. Иблис жин ва шайтонларнинг отаси бўлади. Аллох Иблисни оловдан яратган. Иблис (Шайтон) - жуда ёмон махлук. У Аллохнинг айтганини қилмайди. Хеч кимга бўйсунмайди. Фақат ёмон ишларни қилади. Яхши одамларни ёмон кўради.

Аллох Одам отамизни яратгандан сўнг фаришталарга: **«Одамга сажда қилинглар!»** – деб буюрди. Хамма фаришталар дархол Одам алайхиссаломга хурмат саждасини бажо қилдилар. Ўшанда Иблис ҳам фаришталарнинг орасида эди. Бирок у Одам Атога сажда қилмади. Аллох ундан сен нима учун Одамга сажда қилмадинг, деб сўраганда у: **«Мен Одамдан кўра яхшироқман-ку»**, – деди. Яна у: **«Мени оловдан яратгансан, уни эса лойдан!»** – деб Аллохга гап қайтарди. Иблис Аллохнинг айтганини қилмагани учун кофир бўлди. Шундан кейин Аллох уни Ўзининг хузуридан хайдаб юборди. Унга лаънатлар айтди. Ана шу вақтдан бошлаб Иблис Одам отамизга душман бўлиб олди.

Иблиснинг ҳам болалари бўлади. Унинг болаларини шайтонлар, дейилади. Шайтон ва унинг болалари бу дунёда одамлар билан бирга яшайди. Чунки Шайтон Аллохдан бу дунёнинг охири бўлгунча яшаб юришга рухсат сўради. Аллох: **«Майли, сен маълум вақтгача одамлар орасида яшаб тур»**, деб айтди. Шунда Шайтон: **«Мен энди доим одамларни тўғри йўлдан адаштиришга ҳаракат қиламан»**, деди. Аллох: **«Менинг яхши бандаларимни адаштиришга сенинг кучинг етмайди!»** - деб айтди. У яна Иблисга: **«Мен жаханнамни сен ва сенга эргашганлар билан тўлгизаман!»** - деди.

Энди Шайтон ўз болалари билан то Киёмат куни келгунича ҳар хил ёмон ишларни, зарарли ўйинларни одамларга чиройли кўрсатиб, уларни алдаб юради. Инсонларни ҳаром ишларни қилишга қизиқтиради. Аллохнинг динидан қайтаради. Уларни бир-бирлари билан уруштиради. Ёмон одамлар шайтоннинг айтганини қиладилар. Шайтон мусулмонларни ҳам бир-бирларига ёмон кўрсатишга, уруштиришга ҳаракат қиладди. Сизлар бир-бири билан урушаётган болаларни кўрганмисизлар? Ана ўша болаларни

шайтон уруштираётган бўлади. Ўша болалар дарров бир-бирлари билан ярашиб олишлари керак.

Аллох нега шайтонларни яратган? Бунинг сабаби шуки, Аллох одамларни синаб кўради. Кани, улар Аллохнинг айтганини қиладиларми ёки шайтоннинг айтганини? Агар улар Аллохнинг айтганини қилсалар, Аллох уларга ёрдам беради. Шайтоннинг йўлига юрсалар, Аллох уларни шайтонларга ташлаб кўяди.

«Аувзу биллах...» ва «Бисмиллах...»ни кўпгина айтадиган, намоз, Куръон ва дуоларни ўқиб юрадиган яхши болаларни алдашга шайтоннинг кучи етмайди.

Аллох одамларга насихат қилиб: **«Шайтоннинг алдовларига эргашиб кетманглар! У сизларга очик-ойдин душмандир»**, - деб айтган.

**5 – коида. Аллох одамларни синаш учун шайтонларни яратган. Кимки Шайтоннинг йўлига кирса, у Шайтон билан бирга дўзахга тушади. Кимки Аллохнинг айтганини қилса, Аллох уни шайтонлардан саклайди.**

*Саволлар:*

*1 Шайтон ким? У нима учун кофир бўлган?*

*2 Аллох шайтонларни яратмаса  
бўлмасмиди?*

## **6 дарс**

### **АЛЛОХ КОФИРЛАРНИ ЖАЗОЛАЙДИ**

Одам Атодан кейин одамлар анча вақтгача Аллохнинг айтганини килиб яшадилар. Аммо орадан кўпгина йиллар ўтгандан сўнг баъзи кишилар шайтонларнинг сўзига кириб, Аллохни эсдан чиқара бошладилар. Диндан узоклашдилар. Кейин бутунлай шайтонларга кўшилиб, кофир бўлиб кетдилар. Аллох ундай одамларни тўғри йўлга чақириш учун яхши инсонлардан пайгамбарлар тайинлади. Хар хил замонларда, турли хил юртларда кўпгина пайгамбарлар яшадилар.

Ер юзида инсонларни ҳақ йўлга чақириш учун элчи килиб юборилган энг биринчи расул Нух

пайгамбар бўлдилар. У киши одамларни Аллохга иймон келтиришга давъат килдилар. Яхши одамлар Нух алайхис-саломга итоат килиб, у кишининг айтганларини бажардилар. Аллохнинг Ўзига ибодат килдилар. Аммо уларнинг сонлари жуда хам оз эди. Кўпчилик одамлар кофирларга эргашиб кетиб, Нух пайгамбарнинг сўзларига кулок солмадилар. Кофирлар одамларни Аллохнинг динидан тўсиб, ёмон йўлларга чакиравердилар. Ўгирлик, боскинчилик килавердилар. Бу ишларнинг хаммасини уларга шайтонлар ўргатиб турди.

Мушриклар одамларни алдар эдилар. Улар тошдан, ёгочдан хайкаллар ясаб, «Мана шу хайкаллар худо бўлади», деб айта бошладилар. Мушриклар Аллохга ибодат килишнинг ўрнига ўзлари ясаган хайкалларга ибодат килардилар. Улар бошка одамларни хам шу бутларга ибодат килишга ўргатдилар. Ер юзида кофир-мушриклар хам, гунох ишлар хам жуда хам кўпайиб кетди. Оз сонли яхши одамлардан бошка хеч ким Нух пайгамбарнинг айтганларини килмади. Шундан кейин пайгамбар: **«Сизларга каттик кун келиб, устларингизга азоб**

ёгилишидан кўркаман», деб кофирларни огохлантирдилар. Бирок, кофирлар бу сўзга ҳам эътибор бермадилар. «Биз сенинг худойингдан кучлимиз!» - деб пайгамбарни ва мўминларни масхара килдилар. Шундан сўнг Аллох кофир-мушрикларнинг устига тўфон балосини юборди. Узок вақт тўхтамасдан каттик ёмгир ёгди. Дарё ва денгизлар тошиб кетди. Шахар-кишлоқлар сувнинг тагида колди. Ёмон одамларнинг хаммаси сувга гарк бўлиб ўлди. Мусулмонлар Нух алайхиссалом ясаган кемага чикиб саломат колдилар.

Худ пайгамбар замонларида ҳам кофирлар Аллохга ибодат килишга унамадилар. Гунох ишларда давом этавердилар. Шундан кейин каттик шамол бўлиб, хамма кофирларни учириб кетди. Шамол ёмон одамларни тоғларга олиб бориб, тошларга уриб халок килди.

Лут пайгамбар замонларида кофирларнинг устига осмондан тошлар ёгди. Аллохга иймон келтирмаган ярамас одамлар ўлиб, йўк бўлиб кетдилар.

Аммо Аллохнинг динида мустахкам турган мўмин-мусулмонлар хар сафар ҳам балолардан омон



колдилар. Аллох Таолонинг Ўзи уларни саклади. Аллох иймонли одамларни кофирларнинг зулмидан ҳам куткарди. Яхши одамлар Аллохга ибодат килиб, яна осойишта хаёт кечира бошладилар.

**6 – коида. Аллох кофир ва мушрикларни ёмон кўради. Агар улар пайгамбарнинг насихатига кулок солмасалар, Аллох балолар юбориб, уларни жазолайди. Мўминларни эса Ўзи саклайди.**

*Саволлар:*

- 1 Кофирлар пайгамбарларга нима деб айтишди?
- 2 Аллох кофирларни кандай жазолади?

## 7 дарс

### ЭНГ СЎНГГИ ПАЙГАМБАР

Болалар, биз Аллох одамларга жуда кўп пайгамбар юборганини билиб олдик. Бугун эса охирги пайгамбар ким эканини ўрганамиз. Аллох бу

дунёга охирги пайгамбарни қачон юборган, биласизларми?

Аллох бундан 1400 йил олдин ер юзига энг сўнгги пайгамбарини юборди. У пайгамбар бизнинг пайгамбаримиз **МУХАММАД** саллаллоху алайхи ва салламдирлар. Аввалги пайгамбарлар ўзларининг қавмларига элчи килиб юборилар эдилар. Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам бутун оламга пайгамбар бўлиб келдилар. Илгариги пайгамбарлар маълум вақтга пайгамбар бўлиб келардилар. Аллох Таоло Мухаммад саллаллоху алайхи ва салламини бу дунё тамом бўлгунча яшайдиган ҳамма одамларга, барча халқларга, хатто жинларга ҳам пайгамбар килди.

У кишининг исмлари Мухаммад. Оталарининг исми Абдуллох. Оналарининг исми Омина. Боболарининг оти Абдулмутталиб. Пайгамбаримиз Курайш қабиласидан, Хошим уругидан, Иброхим пайгамбар авлодларидан бўладилар. Пайгамбаримизнинг отларини эшитганда «Саллаллоху алайхи ва саллам», дейилади.

Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам Фил йилида (570 йил) Макка шаҳрида тугилдилар.

Оталари у киши тугилмасларидан аввал вафот этганлар. Пайгамбаримиз 6 ёш бўлганларида оналари ҳам вафот этдилар. Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам ёшликларидан етим бўлиб ўсдилар. Аммо у киши жуда ҳам одобли бола эдилар. Болалик пайтларида ҳам бошка болаларга ўхшаган ўйинкарок эмасдилар. Сахрога чикиб одамларнинг кўйини бокиб берардилар. Катталарга ёрдамлашиб юрардилар. У кишини ҳамма яхши кўрарди.

40 ёшга етганларида Аллох Мухаммад алайхис-саломга пайгамбарлик берди. Жаброил фаришта келиб пайгамбаримизга **ИСЛОМ** динини ўргатдилар. Аллохдан **КУРЪОН** номли китобни олиб кела бошладилар.

Аллох Мухаммад саллаллоху алайхи ва салламни **РАСУЛУЛЛОХ** (Аллохнинг элчиси), деб атади. Аллох у кишига аввал ўз якинларини Исломга чакиришни буюрди. Кейин Курайш кабиласини, ундан сўнг ҳамма одамларни Исломга даъват килиш кераклигини айтди. Расулуллох одамларни иймонга чакиришга бошладилар. Аввалига озгина одам мусулмон бўлди. Кўп кишилар Расулуллохга карши

чикдилар. Мушриклар у зотни масхаралаб, хакоратлар килдилар. Мусулмон бўлганларни азобладилар, баъзиларини ўлдирдилар. Шундан сўнг мўминлар Пайгамбаримиз билан Маккадан Мадина шахрига кўчиб кетдилар. Расулulloх яна сабр билан барча одамларни Ислomга даъват килавердилар. Мусулмонлар борган сайин кўпайиб бордилар. Кофирлар бундан аччикланиб, мусулмонларга карши уруш бошладилар. Пайгамбаримиз ва мусулмонлар Аллох йўлида жиход килишди. Аллох уларга ёрдам берди. Мусулмонлар кофирлар устидан галаба козондилар. Нихоят, араблар ва жуда кўп халклар Ислom динига киришди. Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам 23 йил пайгамбарлик килдилар. Аллох буюрган вазифани чиройли килиб бажардилар. Расулulloх 63 ёшларида Мадина шахрида вафот этдилар. Аллох у кишига, оила аъзоларига ва саҳобаларига салавот ва саломлар ёгдирсин!

**7 – коида. Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам энг охирги пайгамбардирлар. У киши**

**бутун дунё халкига пайгамбар бўлиб келганлар.  
Мухаммад саллаллоху алайхи ва салламдан  
кейин хеч ким пайгамбар бўлмайди.**

*Саволлар:*

- 1 Аллох бу дунёга яна пайгамбар юборадими?*
- 2 Расулуллох одамларни Исломга кандай килиб давъат килдилар?*

## **8 дарс**

### **КИМГА ЎХШАГАН БЎЛИШНИ ХОХЛАЙСИЗ?**

Одатда болалар кимгадир ўхшагилари келади. Хар бир бола ўзича кахрамон, бўлсам, дейди. Уларнинг гапига кулок солган одам мана бундай сўзларни эшитади: «Мен фалончига ўхшаган зўр каратечи бўламан!» «Мен Имом Бухорийга ўхшаган олим бўламан!» «Мен Мишорийга ўхшаб Куръонни чиройли ўкийдиган машхур кори бўламан!» Ана

шунака. Хар ким ўзининг яхши кўрган одамига ўхшагиси келади.

Биронта одам: «Сизлар кимга ўхшаган бўлишни хохлайсизлар?» - деб сўраса, нима деб жавоб берасизлар? Тўхтанглар, аслида кимни энг кўп яхши кўришимиз керак? Дунёда энг яхши одам ким ўзи? Бу оламда ҳамма томонлама кучли одам борми? Битта инсон бир вақтнинг ўзида ҳам пахлавон, ҳам олим, ҳам жуда ақлли, ҳам энг одобли, ҳам энг чиройли бўла оладими? Мана шунака одамни биласизларми? Билмасангизлар, мана энди билиб оласизлар.

Бу дунёда ҳамма жихатдан мукамал, ҳамма хавас киладиган инсон Хазрат Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам бўладилар. У кишининг иймонлари хамманикидан кучли бўлган. Пайгамбаримиз Аллохдан бошка ҳеч кимдан кўркмаганлар. Агар жангга тушсалар, душманларнинг хаммасини енгиб кўярдилар. Золимлар узок мамлакатларда туриб ҳам Расулуллохдан кўркаверар эдилар. Пайгамбаримиз хаммадан илмли бўлганлар. Келажакда нима ишлар бўлишини ҳам Аллохнинг ёрдами билан олдиндан

айтиб берганлар. У киши Куръоннинг хаммасини ёддан билганлар. Куръонни Расулуллохдек чиройли ва кўп ўқийдиган ҳеч ким бўлмаган. Расулуллох жуда ҳам одобли, ширин тил, камтар, хаёли, уятчан ва роса ҳам чиройли инсон эдилар. Пайгамбаримизни бир марта кўрган одам яна бир кўрсам, деб юрарди. Бир марта сўзларини эшитган инсон яна бир бор сухбатлашсам-ку, деб орзу килиб коларди. Расулуллох камбагаллар ва мазлумларга меҳрибон, етимларни яхши кўрадиган, хаммага очик чехра билан муомала киладиган, жуда ҳам сахий одам эдилар. У киши ана шундай яхши инсон бўлганлари учун ҳам Ислом дини хаммага ёкиб колди. Мусулмонлар кўпайиб кетишди. Эхе... Мухаммад саллаллоху алайхи ва салламнинг сифатларини айтиб адогига етказиб бўлмайди. Шунинг учун яхши болалар хамма ишда у кишига ўхшаган бўлишга ҳаракат киладилар.

Пайгамбаримизни кўрган одамни ким дейилади? Пайгамбаримизни кўриб, у кишига иймон келтирган кишини **САХОБА**, дейилади. Сахобалар пайгамбаримизни жуда яхши кўришган. У кишига

Ўхшаган инсон бўлишга ҳаракат қилишган. У кишининг қилган ишларини қилиб, айтган сўзларини бажаришган. Расулulloхнинг қилган ишларини **СУННАТ**, деб айтилади. Айтган сўзларини, қилган насиҳатларини **ХАДИС**, дейилади. Биз Расулulloхни иншоаллох, жаннатда албатта кўрамиз. Бунинг учун ҳозирдан бошлаб у кишининг айтганларини бажаришимиз керак.

Айтгандай, қизлар қимга ўхшаган бўлишлари керак? Қизлар Расулulloхнинг қизлари ва аёлларига ўхшаган одобли, илмли, кўркмас бўлишлари керак.

**8 – қоида. Биз ҳаммадан кўпроқ Расулulloхни яхши кўрамиз. У кишига ўхшаган бўлишни хоҳлаймиз. Пайгамбаримизнинг бизга қолдирган Қуръон ва Суннатларини ўрганиб, унга амал қиламиз.**

*Саволлар:*

1 Сиз қимни яхши кўрасиз? Нима учун Пайгамбаримизга ўхшаган бўлишни хоҳлайсиз?



2 Пайгамбаримизнинг сифатларидан  
гапириб беринг.

## 9 дарс

### ЭНГ УЛУГ КИТОБ

Болалар, дунёдаги энг улуг китоб кайси китоб?

**- КУРЪОНИ КАРИМ!**

Тўппа-тўгри! Бу жавобни ким айтган бўлса хам унга катта раҳмат! Бу дунёда Куръонга тенг келадиган мукамал китоб йўк. Чунки Куръон Аллохнинг сўзи. Бу оламда Аллохга тенг келадиган ҳеч ким йўк-ку. Демак, Унинг китобига тенг келадиган китоб хам бўлмайти. Куръонни Аллох Таоло етти кават осмоннинг устидан Мухаммад саллаллоху алайхи ва салламга туширган. Бу китобни энг улуг фаришта Жаброил алайхиссалом олиб келганлар. Аллох Куръонда ер юзида яшайдиган ҳамма инсонларга насихат килади.

Куръон - Аллохнинг мўъжизаси. Хеч ким бу китобга ўхшаган китоб ёза олмайди. Куръон одамлар ёзган китобларга ўхшамайди.

Куръонда нималарни айтилган? Куръонда қадимда ўтган пайгамбарлар ва уларнинг қавмлари ҳақида қизиқарли ҳикоялар бор. Иброҳим пайгамбар ёш бола бўла туриб қандай қилиб бутларни синдирганлар? У киши оловдан қандай қилиб соғ чикканлар? Нима учун Мусо пайгамбарни чакалоклик вақтларида сандикчага солиб, дарёга оқизиб юборишган? Фиръавн, деган кофир подшо нима учун ёш болаларни сўйдирган? Кейин Аллох унинг ўзини қандай қилиб дарёга чўктириб ўлдирган? Аллох мўминларни кофирларнинг зулмидан қандай қутқарган? Хайвонлар, қушлар ҳам ибодат қилишадими? Улар қандай гапиришади? Ўликлар қандай қилиб тирилади? Куръонда мана шулар ҳақида ажойиб суралар бор.

Куръон **ОЯТ** ва **СУРА**лардан ташкил топган. Бир ёки бир неча сўздан тузилган жумлани **оят**, деб аталади. Бир неча оятлар қўшилиб, **сура** бўлади. Куръонда 114 та сура бор. 6 мингдан кўп оят бор.

Одамлар Аллохга кандай ибодат килишлари керак? Дунёда кандай яшашлари лозим? Ота-онага кандай яхшилик килинади? Кўшнилари, кариндошлари ва бошқа одамлар билан кандай муомала килинади? Мусулмон подшоҳлар халкка кандай йўл кўрсатиши керак? Давлатни кандай бошқариш лозим? Мусулмонларга душман бўлаётганларга нима жавоб килиш керак? Буларнинг хаммасига Куръонда жавоб бор. Ха, Куръон жуда кўп илмларни, маъноларни ўз ичига олади. Уни ким кўп ўқиса, ўшанча кўп илмли бўлади. Мусулмонлар Куръонни ўқиб ундаги коидаларга амал килишади. Шунда улар бу дунёда ҳеч адашмайдилар. Аллох: **«Бу Куръон энг тўғри йўлга бошлайди»** - деган. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: **«Сизларнинг яхшиларингиз Куръон ўрганган ва уни ўргатган кишилардир»**, - деб айтганлар.

Куръонга иймон келтирган инсонларга Аллох бу дунёда бахтли ҳаёт беради. Охиратда уларни жаннатга киритади. Куръонга ишонмаган, амал қилмаган одамларга бу дунёда ҳам, Охиратда ҳам азоб бўлади.

Куръон тиловат килинганда осмондан савоб ва нур ёгилади. Куръон ўқилган уйда фаришталар бўлади. Куръон касалларга шифодир. У калбларга хурсандлик олиб киради. Куръонни чиройли ўқиган болаларни Аллох ҳам, фаришталар ҳам суйиб эшитиб туришади.

**9 – коида. Куръон - Аллохнинг мукаддас сўзи. Унда Аллох дунёдаги ҳамма одамларга хитоб қилган. Куръонда ҳамма нарсага жавоб бор. Куръон Киёмат куни келгунича ўқилади ва амал қилинади.**

*Саволлар:*

- 1 Куръон қаердан келган, у қандай китоб?*
- 2 Куръонда нималар бор, уни нима учун ўқилади?*